



ТОЗАЛАГИЧ ПЛАТФОРМАСИДАГИ РОЛИКЛАРИНИНГ ДИАМЕТРИНИ ПАХТА ҲАРАКАТИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

т.ф.ф.д., доц. Каршиев Бахтиёр Эшқобилович.


т.ф.ф.д. Абдуллаев Камолиддин Юсунович

т.ф.ф.д. Абдуллаев Шарофиддин Юсуп угли

тадқиқотчилар: Шойматов Жамолиддин Юсунович

Роликлар диаметрининг ўзгаришидан пахтанинг роликлар юзасида ҳаракати давомида роликлар оралиқ бўшлиғига тушиб, ундан чиқиб кетиши учун юқоридан катта босим талаб этилади [1], бизнинг ҳолатимизда пахтани майда ифлосликлардан тозалашни ва орасидаги майда тошларни ажратишни амалга ошириш учун роликлар устидаги пахта қатлами қалинлигини кичиклаштириш керак бўлади, шунинг учун роликлар диаметрини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Тажрибалар учун 76, 88 ва 100 мм диаметрли роликлар тайёрланди ва бирма бир стендга ўрнатиб ишлатилди, стендга 12 та роликларни жойлаштирилди, [1, 2] ишга кўра роликлар оралиқ масофасини 10 мм га, роликларнинг айланишлар сонини 14 айл/мин.га ўрнатилди. Тажрибаларни ўтказишда Бухоро-102 селекция навли I-саноат навли дастлабки ифлослиги 6,6 % ли, намлиги 8,8 % ли пахталардан ҳар бир тажриба учун стенднинг олди қисмига уюлган ҳолда 25 кгдан солинди 1-расм. Тажриба натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.





1-расм. Стендга тажриба учун пахтани жойлаштириш схемаси.
1-пахта хомашёси, 2-роликлар.

1-жадвал

Роликлар диаметрини ускуна кўрсаткичларига таъсири

Роликлар диаметри, мм	Дастлабки ифлослик, %	Платформадан чиқиш вақти, сек.	Платформан и нечанчи ролигидан бошлаб қатлам текисланди, дона	Тозаланган пахта ифлослиги, %	Тозалаш самараси, %
76	6,6	5,2	8	6,0	9,0
88	6,6	5,0	7	6,0	9,0
100	6,6	5,4	10	6,2	6,0

Юқоридаги тажрибалардан кўринадиги роликлар диаметри 76 мм да пахтанинг платформадан чиқиш вақти 5,2 сек.ни ташкил этди, тўп ҳолатидаги пахта платформанинг 8 чи роликга келганда платформа устида тўшама сифатида ёйилиб текисланди, тозалаш самараси 9,0 % ни ташкил этди. Роликлар диаметри 88 мм да пахтанинг чиқиш вақти 5,0 сек.ни ташкил этиб, пахта 7 чи роликдан тўшамаси ёйила бошладинди, тозалаш самараси эса 9,0 % ни ташкил этди. Роликларнинг диаметрини катталаштириб, 100 мм да пахтани платформадан чиқиш вақти 5,4 сек.ни ташкил этиб, 10 чи роликдан пахта тўшама сифатида ёйила бошланди, тозалаш самараси эса 6,0 % ни ташкил этди.

Бундан кўринадиги роликларнинг диаметрини катталаштиришдан пахтани роликлар орасига жойлашиш зонаси ортади ва орасидан чиқиб кетиши қийинлашиб, пахтани ҳаракатланиш вақтига салбий таъсир этади. Роликлар устидаги пахта миқдори кам бўлганида уларнинг диаметрини кичиклаштириш билан ёйилиб ҳаракатини таъминлаш мумкин.

Тажрибалардан айтишимиз мумкинки роликлар устидаги пахтани платформа юзаси бўйича кичикроқ тўшама қатламини ҳосил қилиниши пахта таркибидаги ифлосликларни тўкилишини яхшилашга олиб келади, ушбу ҳолатни пахтани силкитиш билан амалга ошириш ва платформада пахта қатламини тезроқ ҳосил қилиш учун



роликлар айланишлар сонини ортиб боровчи этиб танланишидан, роликлар оралик масофасини аниқланишидан тозалаш самарадорликни янада оширишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Т.Н.Коробелникова. Разработка и обоснование параметров приёмоподающего устройства хлопка-сырца. Дисс.д.ф.(PhD) по техническим наукам. Ташкент 2022 г. С.95.

2. Джамолов Р.К., Коробельникова Т.Н. «Усовершенствование, обоснование параметров и внедрение устройства ХПП для приемки и передачи хлопка-сырца», отчет «Пахтасаноат илмий маркази» № 2004, заключительный, с.18.

3. Кулиев Т.М. Джамолов Р.К., Коробельникова Т.Н. патент на изобретение № IAP 06558 «Передвижное приёмоподающее устройство для хлопка сырца». Т-2023.